



КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ: ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА

Ақылбекова Салтанат Шамуратовна
Ақылбекова Кундыз Шамуратовна

Қорақалпоқ давлат университети магистранти,
ўқитувчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7593099>

Конституциянинг олий юридик кучга эгаллиги унинг ҳимояси ва унга амал қилиниши устидан назоратни талаб қилади. Конституциянинг ҳуқуқий устунлигини таъминлаш учун унга амал қилиниши керак. Биз жаҳон амалиётига назар ташласак, замонавий мамлакатларда конституцияга зид бўлган қонунлар ва бошқа актлар қабул қилинишига йўл қўймайдиган махсус органлар мавжудлигини кўрамиз.

Айтиш мумкин, конституциявий назорат – давлатнинг ҳуқуқли назорат қилиш фаолиятининг ўзига хос тури, давлатдаги ва бошқа норматив актлар қонунга мувофиқлигини текширишдан иборат бўлиб, жаҳон давлатлари тажрибасига назар ташласак турлича ҳуқуқий мақомга эга органлар томонидан амалга оширилади. Масалан, умумий органлар томондан (АҚШ, Аргентина, Дание, Мексика, Норвегия, Япония); Олий суд инстинцияси ҳисобланган олий судлар томонидан (Австралия, Бошвия, Ҳиндистон, Ирландия, Канада, Финляндия, Швейцария); махсус конституциявий судлар томонидан (Ўзбекистон Республикаси, Австрия, Германия, Италия, Туркия, Кипр); суд кўринишда бўлмаган алоҳида органлар томонидан (Франция конституциявий кенгаш) амалга оширилишини кузатиш мумкин.

Конституциявий назорат органларининг объектлари – одатдаги қонунлар, конституцияга киритиладиган тўзатишлар, халқаро шартномалар, палаталар регламенти, ҳокимиятнинг ижро органлари норматив актлари (маъмурий адлия тизими йўқ мамлакатларда) бўлиши мумкин. Федератив давлатларда иттифоқ ва федерация субъектларига тегишли масалаларни мансублик даражасини (тааллуқлигини) ҳал этиш ҳам конституциявий назорат ваколатларига киради.

Конституциявий назорат моҳиятига кўра формал (бунда қонун ва бошқа норматив актлар қабул қилинишда процессуал ҳаракатларнинг, ўрнатилган қонунга мослиги текширилади) ёки моддий (бунда қонун ва бошқа норматив актларнинг мазмунан конституцияга мувофиқлиги текширилади), шунингдек, абстракт бирон-бир сабабсиз (маълум бир





ваколатга эга субъектлар ташаббуси билан амалга оширилади) ёки конкрет (бирор бир конкрет суд муносабати билан амалга оширилади) бўлиши мумкин. Мавжуд давлатлар амалиётида конституциявий назорат томонидан кучга кирган амалдаги қонунлар текширилиши (Америка Қўшма Штатлари, Германия, Италия) ёки парламент томонидан кўриб чиқилиши кутилаётган қонун лойиҳалари дастлабки текширувдан ўтказилиши мумкин (Швеция, Финляндия). Франция, Мавритания, Габонда ва бошқа давлатларда парламент томонидан қабул қилинган қонунлар, ҳаракатга (кучга) киргунга қадар конституциявий назорат томонидан кўриб чиқилади.

Конституцияни ҳаётга тадбиқ этиш қонун ижодкорлиги, ижроия ҳокимият актлар суд томонидан қарорлар қабул қилиниши, давлат органлари фаолиятлари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдамида, шунингдек, жамиятнинг турли соҳларидаги эътиробга молик жараёнлар асосида амалга оширилади. Шу билан бирга назоратнинг бошқа воситалари ҳам мавжуд. Масалан, қонунийлик устидан прокурор назорати, конституциянинг кафолати сифатидаги президентнинг роли, парламент аъзоларининг фаолиятлари ана шулар жумласига киради. Шунингдек, конституцияни ҳимоя қилишни ноюрidik усуллари ҳам бўлиши мумкин. Масалан, Гана, Германия, Словакия конституцияларига кўра бутун халқ ва ҳар бир фуқаро демократик конституциявий тизимга қарши тажовўзаларга тўсқинлик қилишга ҳақли.

Замонавий хорижий мамалкатлар амалиётида конституциявий назоратнинг икки шакли қўлланилади: жорий ҳамда давомли.

Жорий назоратда қонуннинг конституциявийлигини парламент муҳокамасидан ўтиш чоғида текширилади. Тўғрироқ айтганда жорий назорат қонун лойиҳалари устидан текширув олиб боради. Масалан Швеция ва Финляндияда.

Давомли назоратда пиромульгация қилинган ва кучга киритилган актларнинг конституциявийлиги устидан текширув олиб борилади. Масалан, АҚШ, Италия, Германия.

Айрим давлатларда ҳар иккала шакл ҳам қўлланилади. Масалан, Франция, Никорагуа, Панама.

Давомли конституциявий назорат амал қилувчи давлатларда конституцияга зид деб топилган актларнинг қайси вақтдан бекор бўлиши ҳақида масала жиддий бош қотиришга ундайди. Чунки парламент томонидан актнинг қабул қилиниши ва унинг конституцияга зидлиги



аниқлангунга қадар анча вақт ўтиб кетиши мумкин. Ушбу вақт мобайнида ўша мувофиқ бир қанча ҳуқуқий муносабатлар содир этилиши мумкин. Бу ҳолларда иккита принцип қўлланилади:

А) қонун кучга кирган пайтдан бошлаб бекор қилинади;

Б) қонун конституцияга зид деб топилган пайтдан бошлаб бекор қилинади.

Иккинчи принцип амалиётда кўпроқ қўлланилади, сабаби бунда фуқаролик муносабатлари ёки бошқа ҳуқуқий муносабатларда ноаниқликлар келиб чиқмайди.

Бизнинг юртимизда давомли конституциявий назорат амал қилади. Яъни норматив актлар қабул қилинган ташаббус билан чиққан органлар талаби билан кўриб чиқилади.

Конституциявий назоратни амалга оширувчи органлар орасида бошқа вазифаларини бажара туриб, конституциявий назоратни ҳам амалга оширувчи муассасалар ва мансабдор шахслар билан бирга фақат мана шу мақсад учун ташкил этилган конституциявий назорат органлари ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида конституциявий назоратни Конституциявий Суд органи амалга оширади. Конституциявий Суд доимий фаолият юритувчи суд ҳокимияти органи бўлиб, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўради.

Қонунчиликга мувофиқ Конституциявий суд:

1) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди;

2) Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунга қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди;

3) Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси



қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беради;

5) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатини кўриб чиқади;

6) конституциявий суд ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади.

Конституциявий суд конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари муайян ишда қўлланилган ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ бўлмаган қонунда бузилган деб ҳисобловчи фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг шикоятларини ҳам кўриб чиқади.

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколати доирасида бошқа ишларни ҳам кўради.

Конституциявий суд ўз ваколатларини амалга ошираётганда бошқа судларнинг ёки ўзга органларнинг ваколатига кирадиган барча ҳолларда ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш ва текширишдан ўзини тияди.

Қайд этиш керакки, сиёсат ва ҳуқуқ соҳаси мутахассиси бўлган, юксак маънавий фазилатларга ва зарур малакага эга бўлган, ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланиши мумкин, шу билан бирга Конституциявий суднинг судьясига Олий ёки Биринчи малака даражалари берилиши, олий малака даражаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилиши, биринчи малака даражаси эса Конституциявий суд томонидан берилиши қонунчиликда белгилаб берилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, хорижий мамлакатларда конституциявий назорат институтлари амалиёти ва тажрибасини ўрганиш республикамизда конституциямиз нормаларининг ҳаётга тўла тадбиқ қилинишида, демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.